



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТИ УЧУН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

М.Д.Жахонгиров

Самарқанд вилояти ИИБ ходими
<https://doi.org/10.5281/zenodo.18219025>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 05-yanvar 2026 yil
Ma'qullandi: 08-yanvar 2026 yil
Nashr qilindi: 12-yanvar 2026 yil

KEY WORDS

ички ишлар органлари, жамоат
хавфсизлиги хизмати, кадрлар
тайёрлаш, касбий тайёргарлик,
ўқув-тарбия жараёни, амалий
машғулотлар, психологик
тайёргарлик, жисмоний
тайёргарлик, таълим
технологиялари.

ABSTRACT

Мазкур мақолада ички ишлар органлари жамоат хавфсизлиги хизмати учун кадрлар тайёрлаш тизимининг ўзига хос хусусиятлари илмий-назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Тадқиқотда жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, хизмат вазифаларининг мураккаблиги ҳамда уларга мос равишда кадрлар тайёрлаш жараёнининг махсус талаблари ёритиб берилган. Шунингдек, ўқув-тарбия жараёнида касбий билимлар билан бир қаторда ҳуқуқий онг, психологик барқарорлик, жисмоний тайёргарлик ва ахлоқий сифатларни шакллантиришнинг аҳамияти асослаб берилган. Мақолада амалий машғулотлар улушини ошириш, хизматга йўналтирилган ўқитиш усулларини қўллаш ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш орқали кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Тадқиқот натижалари ички ишлар органлари жамоат хавфсизлиги хизмати учун юқори малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади

Мазкур мақолада ички ишлар органлари жамоат хавфсизлиги хизмати учун кадрлар тайёрлаш тизимининг ўзига хос хусусиятлари илмий-назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Тадқиқотда жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, хизмат вазифаларининг мураккаблиги ҳамда уларга мос равишда кадрлар тайёрлаш жараёнининг махсус талаблари ёритиб берилган. Шунингдек, ўқув-тарбия жараёнида касбий билимлар билан бир қаторда ҳуқуқий онг, психологик барқарорлик, жисмоний тайёргарлик ва ахлоқий сифатларни шакллантиришнинг аҳамияти асослаб берилган. Мақолада амалий машғулотлар улушини ошириш, хизматга йўналтирилган ўқитиш усулларини қўллаш ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш орқали кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш

масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Тадқиқот натижалари ички ишлар органлари жамоат хавфсизлиги хизмати учун юқори малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади. ички ишлар органлари, жамоат хавфсизлиги хизмати, кадрлар тайёрлаш, касбий тайёргарлик, ўқув-тарбия жараёни, амалий машғулотлар, психологик тайёргарлик, жисмоний тайёргарлик, таълим технологиялари.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг мутлақо янги тизими шаклланиб, у ўзининг илмий-назарий, ҳуқуқий, ташкилий-тактик асосларига эга бўлди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилди¹.

Замонавий хавф-хатар ва таҳдидларни, бажарилаётган ишлар муҳимлиги ва қўламини эътиборга олган ҳолда ички ишлар органлари барча даражадаги бўлинмаларининг вазифа ва функцияларини аниқ белгилаш ҳамда тақсимлаш, ташкилий-штат тузилмасини мақбуллаштириш, куч ва воситалардан оқилона фойдаланиш бўйича тизимли ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада ишлар органлари барча бўғинлари ташкилий тузилиши ва вазифаларининг оптималлаштирилиши орқали ходимларнинг 85 фоизи қуйи тизимда фаолият кўрсатиши таъминланди². Маҳалланинг ўзида хавфсиз, жиноятдан ҳоли муҳит яратиш мақсадида “Обод ва хавфсиз маҳалла” концепцияси асосида ҳар бир маҳаллада профилактика инспектори фаолияти йўлга қўйилди³.

Ички ишлар органлари барча бўғинларидаги мансабдор шахсларининг аҳоли олдида мунтазам ҳисобот бериб бориш тизими, шунингдек уларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлаш бўйича жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг янги механизмлари жорий этилиб, тизим фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги таъминланмоқда⁴.

Халқ билан тизимли мулоқотни, фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шерикликни таъминлаш, аҳолининг энг муҳим муаммолари ҳал этилишига ҳар томонлама қўмаклашиш борасида ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятларнинг сабабларини

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон // <https://lex.uz>.

²Ички ишлар органлари - халққа яқин, халқ билан бирга / <https://iiv.uz/oz/news/ichki-ishlar-organlari--xalqqa-yaqin-xalq-bilan-birga>; <https://iiv.uz/oz/news/ichki-ishlar-organlari-tizimida-amalga-oshirilgan-islohotlar>; Ўзбекистон Республикаси Президентининг: 2018 йил 14 февралдаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 3528-сон // <https://lex.uz>. 2018 йил 24 декабрдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4075-сон қарорлари // <https://lex.uz/docs/4124831>;

³Батафсил қаранг:Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5938-сон фармони. [Lex.uz](https://lex.uz)

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон // <https://lex.uz/docs/3159827>; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-3528-сон Қарори // <https://lex.uz/docs/3556832>

аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш тизими шакллантирилмоқда.

Ички ишлар органларининг секторлар кесимида “маҳаллабай”, уйма-уй кириб, “оилабай”, “фуқаробай” ишлаш тизими амалиётга киритилди. Профилактика инспекторлари, хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлар маҳаллаларда “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”ни шакллантиришда ҳамда уларга киритилган фуқароларнинг муаммоларини ҳал этишда фаол иштироки таъминланмоқда⁵.

Ички ишлар органлари барча бўғинларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича бўлинмалар фаолияти йўлга қўйилди. Ички ишлар органлари фаолиятига “Е-мурожаат” электрон тизими жорий этилиб, мурожаатларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва ҳал этиш, шунингдек мазкур жараёнларни назорат қилишнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги тартиби ўрнатилди⁶.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самараси авваломбор юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, Ватанимиз тақдири ва истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёш кадрлар сафини кенгайтиришга бевосита боғлиқ⁷.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан юртимизда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш вазифаларига устувор аҳамият берилаётгани Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан алоҳида таъкидланмоқда. Бу эса ўз навбатида профилактика, тезкор-қидирув, тергов, йўл ҳаракати хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, қўриқлаш, патруль-пост хизматлари, алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отрядлари қайта ташкил этилганида, ички ишлар органларининг моддий-техника базаси мунтазам мустаҳкамлаб борилаётганида намоён бўлмоқда⁸.

Дунёда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида ҳалқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдида ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда.

Бу борада мамлакат Президенти Ш.М.Мирзиёев фикр билдириб, кейинги йилларда ички ишлар органлари фаолиятида тўпланиб қолган жиддий камчилик ва муаммолар ушбу вазифаларни самарали бажаришда тўсиқ бўлмоқда. Хусусан:

⁵ «Энди маҳаллада «фуқаробай» ишлаймиз» — Шавкат Мирзиёев // <https://kun.uz/49206105>; Маҳаллабай ишлаш тизимининг моҳияти нимада? Унинг амалий самаралари қандай? — Вазир шу билан боғлиқ долзарб саволларга батафсил жавоб қайтарди. // <https://xs.uz/uzkr/post/>; Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятларни жиловлash бўйича “фуқаробай”, “оилабай” ва “маҳаллабай” ишлаш тизимини ташкил этиш методикаси: Ўқув-методик қўлланма / М.З.Зиёдуллаев, А.С.Турсунов, А.Ш.Муродов ва бошқ. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021. — 125 б.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 августдаги “Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3919-сон қарори // <https://lex.uz/>

⁷ Қаранг: Конституция — эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. — 2017. — 8 дек.

⁸ Қаранг: Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак // Халқ сўзи. — 2017. — 10 фев

биринчидан, республика, ўрта ва қуйи бўғиндаги бўлинмалар ўртасида асосий вазифа ва функциялар аниқ тақсимланмагани ҳар бир ходимнинг фаолияти устувор йўналишларини ва ишнинг пировард натижаси учун шахсий жавобгарлигини белгилашни қийинлаштирмоқда;

иккинчидан, амалдаги ташкилий-штат тузилмалари куч ва воситалардан оқилона фойдаланишни таъминламаяпти, оқибатда марказий ва ўрта бўғиннинг баъзи хизматларида етарли иш ҳажми бўлмай туриб, керагидан ҳам ортиқча штат бирликлари сақланиб турган бир пайтда, қуйи бўлинмалар зиммасига ҳаддан зиёд хизмат вазифалари юкланишига олиб келмоқда;

учинчидан, ички ишлар органлари мансабдор шахслари, шу жумладан профилактика инспекторларининг аҳоли билан мулоқоти йўлга қўйилмаган, фуқаролар билан муомала маданияти пастлигича қолмоқда, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик таъминланмаяпти;

тўртинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари юзаки кўриб чиқилмоқда, уларда кўтарилаётган масалалар ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинмаяпти, мурожаатларга расмийлик учунгина жавоб берилаётгани фуқароларнинг норозилигини келтириб чиқармоқда, уларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва бошқа ташкилотларга шикоят билан мурожаат этишга мажбур қилмоқда;

бешинчидан, ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида ҳисобот бериб боришининг таъсирчан тизими, уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмлари жорий этилмаган, бу эса ходимларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажариши учун масъулиятини ошириш имконини бермаяпти;

олтинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича ишлар асосан, содир этилган ғайриқонуний қилмишларнинг оқибатларига қарши курашишдан иборат бўлиб қолмоқда, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитларини чуқур таҳлил қилиш, аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тизимли ва самарали чора-тадбирлар кўрилмаяпти;

еттинчидан, ўсиб келаётган авлодни бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилишга, ёшлар жиноий фаолиятга, авваламбор, терроризм ва диний экстремизмга жалб этилишининг олдини олишга етарлича эътибор қаратилмаяпти, ички ишлар органларининг тарбиявий ўрни сезилмаяпти;

саққизинчидан, ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими ҳозирги талабларга жавоб бермайди, порахўрлик ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди;

тўққизинчидан, энг янги ахборот-коммуникация технологияларини тизимга жорий этиш, ички ишлар органларини замонавий воситалар ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш даражаси қониқарсизлигича қолаётганини таъкидлаб ўтди⁹.

⁹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 15-сон, 243-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.06.2018 й., 06/18/5456/1316-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон.

Мазкур муаммолардан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари томонидан ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг қуйидаги энг муҳим йўналишларини белгилаб берди:

биринчидан, ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходими томонидан “Халқ манфаатларига хизмат қилиш”ни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш;

иккинчидан, замонавий хавф-хатар ва таҳдидларни, бажарилаётган ишлар муҳимлиги ва кўламини эътиборга олган ҳолда ички ишлар органлари барча даражадаги бўлинмаларининг вазифа ва функцияларини аниқ белгилаш ҳамда тақсимлаш, ташкилий-штат тузилмасини мақбуллаштириш, куч ва воситалардан оқилона фойдаланиш;

учинчидан, халқ билан аниқ мақсадни кўзлаб ўтказиладиган тизимли мулоқотни таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликни ривожлантириш, аҳолининг энг муҳим муаммолари ҳал этилишига ҳар томонлама кўмаклашиш;

тўртинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этишнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги тартибини ўрнатиш, мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этишга юзаки ва расмийлик билан ёндашувларга чек қўйиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ваколат доирасида барча воситаларни ишга солиш;

бешинчидан, ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида мунтазам ҳисобот бериб бориши тизимини, қилинган ишларга баҳо беришнинг аниқ мезонларини, шунингдек уларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлаш бўйича жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмларини жорий этиш;

олтинчидан, аввало, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида бартараф этиш, аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларда қонунга ҳурмат, қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига мурасасизлик туйғусини сингдириш йўли билан ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси ва олди олиншини таъминлаш;

еттинчидан, вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик гояларидан ҳимоя қилишга қаратилган тизимни ривожлантириш;

саккизинчидан, ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш ҳамда янада такомиллаштириш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

тўққизинчидан, ички ишлар органлари барча бўлинмаларининг фаолияти янада самарали бўлишини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

ўнинчидан, ички ишлар органлари фаолиятининг моддий-техника таъминотини янада яхшилаш, ходимларнинг самарали ишлаши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, уларни хизмат турар жойлари билан таъминлаш¹⁰.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг қўламли ислохотларлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қўйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Кадрлар сиёсатини самарали амалга оширишда ички ишлар органлари ходимларининг касбий ва жанговар тайёргарлигини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар алоҳида аҳамиятга эга. Ички ишлар органлари ходимлари бугунги кунда кўплаб ностандарт вазиятларга дуч келмоқдалар, уларни ҳал қилиш баъзан кўп жиҳатдан уларнинг ватанпарварлиги ва касбий маҳоратига, қонунга қатъий амал қилган ҳолда ҳаракат қилиш қобилиятига боғлиқ. Ички ишлар органлари ходимларининг ушбу ва бошқа зарур фазилатларини шакллантириш Ички ишлар вазирлиги тизимида касбий ва жанговар тайёргарликнинг самарали тизими билан таъминланиши керак.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг энг муҳим чора-тадбирларидан бири мазкур соҳанинг аниқ механизмлар асосида ишлаши учун замонавий фан ва техникадан хабардор бўлган кадрлар билан таъминлашдир.

Мамлакат Президентининг тегишли қарорлари асосида мазкур йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар, биринчидан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимини илғор халқаро стандартлар асосида ташкил этиш; иккинчидан, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, ушбу соҳадаги бўлинмаларининг кадрлар салоҳиятини ошириш¹¹; учинчидан, ходимларнинг малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш; тўртинчидан, куч ва воситаларни самарали бошқаришда раҳбар кадрларнинг интеллектуал ва профессионал салоҳиятини янада ошириш¹² кабиларни қамраб олади.

¹⁰ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 15-сон, 243-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.06.2018 й., 06/18/5456/1316-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5077-сон (2021 йил 15 апрель) қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.05.2022 й., 07/22/241/0408-сон (Decision of the President of the Republic of Uzbekistan No. RP-5076 april 15, 2021 “About measures to further improve the system of training professional personnel in the field of public safety” // National database of legislation, 12.05.2022, number 07/22/241/0408).

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сон (2021 йил 15 апрель) қарори // оунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.01.2023 й., 07/23/10/0043-сон (Decision of the President of the Republic of Uzbekistan No. RP-5076 april 15, 2021 “About measures to introduce a new quality system of training professional personnel for internal affairs bodies” // National database of legislation, 21.01.2023, 07/23/10/0043)

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида, биринчидан, Ички ишлар вазирлиги Академияси таълим жараёнини тубдан ислох қилиш натижасида олий таълимнинг икки босқичли (бакалаврият ва магистратура) тизими ва раҳбарлик таркибидаги кадрларни мақсадли тайёрлаш механизмларини жорий этилиши, жамоат хавфсизлигини таъминлаш куч ва воситаларни самарали бошқаришда раҳбар кадрларнинг интеллектуал ва профессионал салоҳиятини янада ошириш; иккинчидан, ўқув жараёнининг хизмат ўташ қоидалари билан узвий боғланган тартибини ўз ичига олган узлуксиз ўқиш-карьера тизимининг жорий этилиши, жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизими ходимларни малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш; учинчидан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида малакали кадрларни мақсадли тайёрлаш тизимининг жорий этилиши, соҳанинг асосий бўғин бўлинмалари ҳисобланган жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва паспорт тизими талабларини амалга ошириш йўналишлари бўйича офицер мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш имконини бермоқда.

Мазкур соҳадаги ислохотларнинг аҳамиятлиси шундаки, замон талабларидан келиб чиқиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва Қуролли Кучларнинг кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети ташкил этилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, аҳоли осойишталигини таъминлаш ва маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилига асосланган тизим жорий қилиш ишлари янада жадаллаштирилди. Бугунги кунда ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари жорий этилмоқда. Жумладан, ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жинойтчилик сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликлар олдини олиш ва жинойтчиликка қарши курашишга оид муаммолар бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиляпти.